

АБДУЛКАРИМ САМЪОНИЙНИНГ "АДАБУЛ ИМЛО ВАЛ ИСТИМЛО"  
АСАРИ ҲАДИС ИЛМИ ТАЪЛИМ МЕТОДОЛОГИЯСИГА ОИД МУҲИМ  
МАНБА

Х.Юсупов

*Ўзбекистон Халқаро ислом академияси докторанти*

Ислом шариатида Суннат Қуръон каримдан кейинги асосий иккинчи манба ҳисобланади. Қуръон каримни ўқиш ва ўргатиш илмларнинг энг муҳими бўлиб, унинг тафсири ва шарҳи бўлмиш Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўрганиш ва ўргатиш илми аҳамият жиҳатидан кейинги ўринда туради. Зеро, маълумотнинг муҳимлигига қараб илмнинг қадр-қиммати ошади.

Ҳадислар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишли бўлгани учун, У зотга кўрсатиладиган эҳтиром ҳадисларга ҳам кўрсатилиши зарурдир. Яъни, ҳадисларни ўрганиш ва ўргатишнинг бошқа илмларда учрамайдиган ўзига хос жиҳатлари: шартлари, таълим услублари ва одоб-ахлоқлари мавжуд бўлиб, ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар бунга катта эътибор билан қарашган. Муборак ҳадисларни ривоят қилаётган ва эшитаётган кишилар амал қилиши керак бўлган таълим методикаси-услуби, одоб-ахлоқини белгилаб беришган. Бу ҳолат ҳадис илми китоб шаклида тўпланишига қадар оғзаки жорий бўлган. Ҳадис илмларини ўргатадиган "мусталаҳул ҳадис" фанида ҳадис илмларига тегишли бошқа илмлар қаторида ушбу илм ҳам жой олган. Мусталаҳул ҳадис фанида ривоятни эшитиш ва уни етказиш ҳолатлари тўғрисида алоҳида боб бўлиб, у ерда таълим услублари-методлари, шартлари ва одоб-ахлоқлари белгилаб берилган.

Ҳадис илмининг илк ривожланиш даврида бу илмлар фаннинг таркибий қисмида жойлашган. Кейинчалик, унга бўлган эҳтиёж сабабли муҳаддислар томонидан алоҳида китобларга жамланган. Ҳадис илми таълим методологиясига бағишланган асарлар ичида ҳадис илмлари султони Имом Хатиб Бағдодийнинг "ал-Жомеъ ли ахлақир ровий ва адабис сомеъ" асари, Ҳофиз Ибн Абдул Барнинг "Жомеъ баянил илм ва фазлиҳи" асари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу асарлар қаторида машҳур муҳаддис, тарихчи ва насабшунос олим Ҳофиз Абдулкарим Самъонийнинг "Адабул имло вал истимло" асари яққол кўриниб туради.

Хорижлик ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг Ҳофиз Абдулкарим Самъоний ҳаёти ва ижоди борасида қилган изланишларига қаралганда, олимнинг тарихга оид "ал-Ансоб" номли шоҳ асарига кўпроқ эътибор қаратилгани гувоҳи бўлинди. Шу эътибордан олимнинг тарихчи ва насабшунос жиҳати ўрганилган. Олимнинг "Адабул имло вал истимло" асари ўрганиб чиқилгандан сўнг, олимнинг машҳур муҳаддис эканлиги, ҳадис илмларида моҳир ва мўътабар бўлгани намоён бўлди. Замонасининг Ибн Асоқир, Абул Фатҳ Боқиллоний каби имомлари олимдан ҳадис ривоят қилгани, Ибн Холликон, имом Заҳабий, Тожиддин Субкий, Ибн Касирдек алломаларнинг олим

ҳақидаги мақтовлари ва эътирофлари Самъонийнинг илмий даражаси нақадар юксак бўлганлигига далил бўлади.

Асар "Адаб ул-имло ва-л истимло" деб номланиб, сўзма-сўз таржима қилинганда "ҳадис айтиш ва ёзиб олиш одоби" деган маънони англатади. Муҳаддислар истилоҳида ҳадис ривоят қилиш жараёни "имло", шайхдан ҳадисни эшитиб ўтирган талабаларга етказиш ва уларнинг ёзиб олиш жараёни "истимло" деб аталган. Таърифдан келиб чиқиб, ҳадис ривоят қилаётган шайхга "мумлий", шайхдан ҳадисни эшитиб ўтирган талабаларга етказган ва ёзиб олган талабага "мустамлий" деб айтилган. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, аллома асарни "Адабул имло вал истимло" деб номлаган. Яъни, ҳадис ривояти билан шуғулланувчи устоз-шогирд одоблари деган маънони англатади.

Асарнинг ёзилиш тарихини муаллифнинг асарга ёзган муқаддимаси ифодалаб беради. Унда муаллиф шундай дейди: "Биродарим, Аллоҳ сени ҳифзи ҳимоясида сақласин, мендан ривоят қилиш ва эшитиш одоблари, ривоят қилувчи ва эшитувчига зарур бўлган юксак ахлоқларлар билан хулқланиш ва Набавий суннатга эргашиш масалалари ҳақида бирор асар таълиф қилишимни сўрадингиз. Айни чоғда асар мухтасар бўлишини истадингиз. Зеро, ҳимматлар озайган, сиз сўраган маълумотлар ҳадис илмлари ичида келтирилган. Уни топиб ўқишга бўлган қизиқиш эса сўнгандир. Сиз сўраган маълумотларни ўзида жамлаган асар ёзиш учун Аллоҳга истихора қилиб, уни тўплашга киришдим. Асарда муҳаддис ва талабага зарур бўлган одоблар, ўқитиш ва ўрганиш услубларига тегишли маълумотларни келтирдим".

Муқаддимага назар солинса, "мухтасар асар" деган сўзга гувоҳ бўлинади. Чунки, Ҳофиз Абдулкарим Самъоний бу асардан олдин "Тирозуз заҳаб фий адабит талаб" номли асар таълиф қилган бўлиб, асар ҳажми катта бўлган ва талабаларга уни ўқиш ва ёдлаш қийин бўлган. Шунинг учун аллома мухтасар асар ёзишни қарор қилиб, ушбу асарни таълиф қилган.

Асар учта асосий катта бобга ажратилиб, "мумлий"-ҳадис ривоят қилувчи, "мустамлий"- етказиб турувчи ва "котиб"-ривоятни ёзувчи, яъни устоз-шогирдга тегишли одоблар, таълим бериш ва олиш методикалари-услублари ҳақида хабар беради. Устозга тааллуқли бўлган одоб-ахлоқлар, таълим услублари тўғрисида:

- ҳадис ривоят қилувчи шайх дарс мажлисига келишдан олдин ташқи кўринишига эътибор қаратиши;

- мисвак ишлатиши, мўйлабини қисқартириши, оқ либос кийиши, хушбўйлик суртиши, кўзгуга қараб қўйиши;

- илм мажлисига келаётганда секин, виқор билан юриб келиши;

- йўлида учраган барчага салом бериши;

- илм мажлисига ўтиришдан олдин икки ракъат намоз ўқиб олиши;

- тавозели ҳолатда чордана қуриб ўтири;

- тингловчиларга мулойим хитобларни қўллаши;

- тингловчиларга нисбатан хулқини гўзал қилиши;



- тингловчиларга тайёргарлик кўришлари учун илм мажлиси кунини белгилаб бориши;

- илм мажлисларини масжидларда ташкил қилиши;
- қиблага қараб ўтириши;
- таҳоратли ҳолатда ҳадис айтиши ва ҳадис китобини ушлаши;
- китобига қараб ҳадис айтиши;
- мажлисни Қуръон карим тиловати билан бошлаши;
- тингловчиларни сукут сақлашга чақириши;
- ривоят қилаётганда овозини баланд қилиши;
- овозини тингловчилар эшитадиган даражада баланд қилиши;
- тингловчилар ақли кўтарадиган нарсаларни ривоят қилиши;
- ривоят қилаётган ҳадисда нотаниш сўз учраса, ўша сўзни шарҳлаши;
- тингловчилар ҳадисни ёзиб олгунича такрорлаб туриши ва шу каби бошқа қимматли кўрсатмалар келтирилади.

Шогирдга тааллуқли бўлган одоб-ахлоқлар, таълим олиш услублари тўғрисида:

- зийрак ва ақлли бўлиши;
- ҳадис мажлисларига эрта келиши;
- шошмасдан хотиржам ҳолда юриб келиши;
- кийинишда ҳаддан ошмаслиги;
- мажлисга кирганида ҳаммага салом бериши;
- мажлисга киришидан олдин оёғ кийимини ечиши;
- оёғ кийимини ечаётганда чап томондан бошлаши;
- мажлисдаги бўш ўринга ўтириши;
- устознинг олдида ўтирганда, унга камоли эҳтиром кўрсатиши;
- устозга мурожаат қилганда, унинг исми билан чақирмаслиги балки кунyasi билан мурожаат қилиши;
- мажлисда ухламаслиги;
- агар уйқуси келса, жойини ўзгартириши;
- шайх ҳадис ривоят қилоётганда диққат билан тинглаши;
- мажлисга сиёҳдон, қалам, қаламдон, қалам йўнгич, сиёҳ ҳамда қоғоз билан келиши;
- чиройли ва тушунарли ёзиши;
- мажлис тугашидан олдин кетмоқчи бўлса, мажлисдагиларга салом бериб чиқиши ва бошқа кўрсатмалар келтирилади.

Асарни бошидан охирига қадар ўрганиб чиқилганда қуйидаги хулосага келинди:

- асар муаллифи Ҳофиз Абдулкарим Самъоний машҳур муҳаддис, ҳадис илми мутахасси бўлганлиги;
- асарда келтирилган ҳар-бир маълумот муаллифнинг санади билан келтирилгани;
- асар ҳадис илми мутахассислари учун муҳим қўлланма;
- асар ҳадис илми таълим методологиясига оид муҳим манба;

- асарни нафақат ҳадис илмларини ўрганиш ва ўргатишда, балки таълимнинг барча соҳаларда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ. Зеро, таълим-тарбиядан кўзланган мақсад жамиятда комил инсонни шакллантириш, таълимнинг самарадорлигини ошириш, устоз ва шогирд ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, устозни таълим бериш маҳоратини ошириш ҳамда шогирдни таълим олиш савиясини юксалтиришдир.

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, асар ҳадис илми таълим методологиясига бағишланган қимматли асар бўлиши билан биргаликда таълим методологиясида кенг қўллаш ва фойдаланиш зарур бўлган ўқув-услубий дастур ҳисобланади.